

Набий алайҳиссаломнинг уйланган кишига айтган табриклари | Сийрат дарслари (311-дарс)



19:00 / 19.12.2024 2450

550. Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам бирор кишини уйланган пайтида табрикласалар: **«Аллоҳ сенга муборак қилсин, барака берсин ва иккингиизнинг орангизни яхшилик билан жам қилсин»**, дер эдилар».

Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

551. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Агар бирингиз ўз аҳлига яқинлик қилишни ирода қилган пайтида: «Бисмиллаҳи. Аллоҳим, биздан**

шайтонни четда қилгин, бизни ризқлантирган нарсангдан шайтонни четда қилгин», деса, агар ўшандан уларга фарзанд бериладиган бўлса, унга шайтон абадий зарар етказа олмайди», дедилар.

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

552. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шиғордан қайтарганлар. Шиғор – ўз қизини бошқа бир кишига у ҳам бунга қизини бериши шарти билан (никоҳлаб) беришдир. Бунда иккови орасида маҳр бўлмайди».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

553. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Ҳамзанинг қизига уйланишларини иташди. Шунда у зот: **«У менга ҳалол бўлмайди, чунки у эмикдош акамнинг қизидир. Қариндошлик туфайли ҳаром бўлганлар эмикдошлик туфайли ҳам ҳаром бўлишади»,** дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

554. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бир сўриш ёки икки сўриш ҳаром қилмайди»,** дедилар».

Муслим ривоят қилган.

(Яъни, чақалоқ бегона аёлнинг кўкрагини бир ёки икки марта сўрса, аммо қорнига етгунча эммаса, шаръий эмиш собит бўлмайди. – Тарж.)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.